

**Жамоа шартномасининг 2022 йилда бажарилиши ҳамда
“Навоийуран” ДК нинг 2022-2024 йилларга мўлжалланган
Жамоа шартномасига ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш бўйича Конференция
ҚАРОРИ**

20 декабрь 2023 йил

Навоий шахри

“Навоийуран” ДК бош директори Дж.С.Файзуллаевнинг нутқини ҳамда 6-Бирлашган касаба уюшмаси Қўмитаси раиси Д.Н.Темировнинг “2022 йилда Жамоа шартномасини бажариш якунлари ҳисоботи ва “2022 йил учун жамоа шартномасининг бажарилишини икки томонлама текшириш далолатномаси тўғрисида”ги маълумоти, “Навоийуран” ДК меҳнат муҳофазаси бўйича директори С.И.Нурназаровнинг 2022 йилда корхонада меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ҳолати ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича келишувнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумоти ва 2023 йил учун меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги келишувни қабул қилиш тўғрисида”ги маълумоти, “Навоийуран” ДК бош директорининг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари А.И.Олтиновнинг “2022-2024 йилларга мўлжалланган Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ички меҳнат тартиби қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги маърузасини тинглаб ҳамда муҳокама қилиб Конференция

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Навоийуран” ДК бош директори Дж.С.Файзуллаевнинг нутқи ва 6-сонли Бирлашган касаба уюшмаси Қўмитаси раиси Д.Н.Темировнинг маърузаси, “Навоийуран” ДК бош директорининг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари А.И.Олтиновнинг маълумотлари, “Навоийуран” ДК меҳнат муҳофазаси бўйича директори С.И.Нурназаровнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йилда Жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан икки томонлама текшириш далолатномаси – **тасдиқлансин.**

3. “Навоийуран” ДК марказий комиссиясининг 2022 йилда Жамоа шартномасининг бажарилиши ва 2022-2024 йилларга мўлжалланган Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 2023 йил “22” ноябрдаги №1-сонли баённомаси – **тасдиқлансин.**

4. “Навоийуран” ДК марказий комиссияси томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат Кодекси талабларини инобатга олган ҳолда тавсия этилган, 2022-2024 йилларга мўлжалланган “Навоийуран” ДК Жамоа шартномаси ҳамда “Ички меҳнат тартиби қоидалари”га ўзгартириш ва қўшимчалар – **қабул қилинсин.**

5. 2023 йил учун Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Келишув – **қабул қилинсин.**

6. “Навоийуран” ДК меҳнат муҳофазаси бўйича директори (Нурназаров), 6-сонли Бирлашган қасаба уюшмаси Қўмитаси раиси (Темиров), бўлинмалар раҳбарлари ва КУҚ раислари:

- меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларни кескин камайтириш ва касб касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини олиб бориш, соҳалар бўйича раҳбар ва мутахассисларни меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича масъул ходимлар ва қасаба уюшмаси қўмиталари раислари билан биргаликда ходимларнинг билим савияси, меҳнатнинг хавфсиз усул ва услубларини қўллашда иш жойларида хавфсизлик маданиятини жорий этишда;
- тиббий кўрик натижаларидан келиб чиққан ҳолда, касб касалликларининг олдини олиш, ишчи-ходимларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида, уларни “Металлург”, “Кончи” ва “Нуробод” профилакторийларида соғломлаштириш ишларини ташкил этишда шахсан жавобгар эканликлари белгилансин.

7. Кадрлар хизмати ва қасаба уюшма қўмиталари раислари меҳнат интизомига риоя қилиш ва меҳнат жамоаларида интизомий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва камайтиришни юзасидан қатъий чоралар кўрсин.

8. Бўлинмалар раҳбарлари ҳамда КУҚ раислари ишчи-ходимлар ўртасида спортни кенг тарғиб қилиш, маданият ва спорт марказларида шуғулланувчилар сонини кўпайтириш бўйича ишларни ташкил этсинлар.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш “Навоийуран” ДК бош директорининг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари А.И.Олтинов ва 6-сонли Бирлашган қасаба уюшмаси Қўмитаси раиси Д.Н.Темиров зиммасига юклатилсин.

Раислик қилувчи



Д.Н.Темиров

**“Навоийуран” ДК Жамоа шартномасининг 2022 йил
давомида бажарилишини текшириш ва “Навоийуран” давлат корхонасининг
2022-2024 йиллар учун Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш бўйича Марказий комиссияси**

№ 1 сон БАЁННОМАСИ

*(“Навоийуран” ДК маъмурияти ва б-сонли Бирлашган касаба уюшмаси
Қўмитаси Раёсатининг 31.03.2023 йилдаги № 22-19 сонли Қарори ижросини
таъминлаш мақсадида)*

Навоий шаҳри

«22» 11 2023й.

Иштирок этганлар:

Комиссия аъзолари: Дж.С. Файзуллаев, Д.Н. Темиров, А.И. Олтинов, У.Б. Рузиев, С.И. Нурназаров, Н.М. Эргашева, О.Р. Усанов, Ж.Ф. Шарипов, А.И. Мустафаев, А.С. Адизов, С.М. Сафаров, Ю.Б. Рўзиев, Т.Х. Файзиев, И.М. Ҳайдаров, Р.З. Шарипов, Г.В. Бакаева, Ж.З. Хосилов, А.Ш. Шарипов

Таклиф этилганлар: И.К. Рахматов, С.Р. Алтинов, К.К. Рахматов

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларнинг 2022 йилда бажарилишини кўриб чиқиш.

2. 2022-2024 йиллар учун “Навоийуран” ДК Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида корхона бўлинмаларидан келиб тушган таклифларни ўрганиб чиқиш.

3. “Навоийуран” ДК Ички меҳнат тартиби қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида корхона бўлинмаларидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш.

КОМИССИЯ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан: комиссия Жамоа шартномасининг 2022 йилда бажарилиши юзасидан тақдим қилинган маълумотларни кўриб чиқиб, Жамоа шартномаси бўйича томонларнинг мажбуриятларини асосий қисми бажарилганлигини кайд этди.

2. Кун тартибининг иккинчи ва учинчи масаласи юзасидан: Комиссия, 2022-2024 йиллар учун “Навоийуран” ДКнинг Жамоа шартномасига ҳамда “Навоийуран” ДКнинг Ички меҳнат тартиби қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида корхона бўлинмаларидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни таклиф қилади:

1. Жамоа шартномасининг матнида Меҳнат кодексига ҳаволалар янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига мувофиқлаштирилсин. (Рўйхат илова қилинади)

2. Жамоа шартномасининг 1-моддаси 1.6. бандига ўзгартириш киритилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Иш берувчи жамоа шартномаси кучга кирганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ходимларни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб таништириши шарт.

Меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи ишга қабул қилинаётган ходимни жамоа шартномаси билан имзо қўйдириб таништириши шарт” (ЎзР МКнинг 78- моддаси)

3. Жамоа шартномасининг 8-моддаси (Кафолат ва компенсациялар) 8.3. бандининг 1 хатбоши ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарига бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, спорт тадбирларида ва ҳаваскорлик танловларида иштирок этиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ЎзР МКнинг 280, 281, 282, 370-моддаларига мувофиқ ҳужжатлаштирилган ҳолда ва ана шу давр учун ўртача иш ҳақи миқдорига тўлов билан ишдан озод этиш.

4. Жамоа шартномасининг 8-моддаси (Кафолат ва компенсациялар) 8.7. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Вахта усулида ишловчи ходимлар учун вахта даврида ишларни бажариш жойларида бўлган ҳар бир календарь кун учун, шунингдек иш берувчининг жойлашган жойидан (йиғилиш пунктдан) иш жойигача бориш ва орқага қайтиш чоғида йўлда бўлинган ҳақиқий кунлар учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **4 фоизи миқдорига** устама тўланади. Бунда сайёр ва кўчиб юриш хусусиятига эга ишларда, шунингдек дала шароитидаги ишлар билан боғлиқ бошқа компенсация тўловлари тўланмайди.

4. Жамоа шартномасининг 8-моддаси (Кафолат ва компенсациялар) 8.8. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Сайёр хусусиятга эга иш учун устамалар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

А) бўлинма жойлашган жойдан иш жойига (объектга) етиб бориш ва орқага қайтиш учун сафар вақти кун давомида уч соатдан кам бўлмаган ва иш вақтидан ташқари вақтда амалга оширилган ҳолларда, – 1 иш куни учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз фоизи миқдорига**:

Б) бўлинма жойлашган жойдан иш жойига (объектга) етиб бориш ва орқага қайтиш учун сафар вақти кун давомида икки соатдан кам бўлмаган ва иш вақтидан ташқари вақтда амалга оширилган ҳолларда, – 1 иш куни учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт фоизи миқдорига**, аммо бир ой ҳисобида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир баробаридан кўп бўлмаган миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 749-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчма ва катнаш тусидаги ишлар билан боғлиқ устамалар тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида устамалар

тўланадиган касб, лавозим ва тоифалар рўйхати 6-сонли Бирлашган касаба уюшмаси Кўмитаси билан келишилган ҳолда корхонанинг бўлинма раҳбарлари томонидан белгиланади ва Бош директор томонидан тасдиқланади. (ЎзР МКнинг 288- моддаси)

5. Жамоа шартномасининг 8-моддаси (Кафолат ва компенсациялар)

8.9. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Дала шароитларидаги иш учун дала устамаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

-бевосита дала ишлари ўтказиладиган объектларда, бўлинмаланинг даладаги базавий шахарчасидан ташқарида ишлаганда – кунлик **меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти фоизи;**

-бўлинманинг даладаги базавий шахарчаларида бажариладиган иш учун – кунлик **меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки фоизи миқдорида.** (ЎзР МКнинг 288- моддаси)

6. Жамоа шартномасининг 9-моддаси (Ишга жойлашиш бўйича алоҳида масалалар...) 9.1.4. банд билан тўлдирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Иш берувчи технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлган ходимлари сонининг ёки штатининг ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларни, башарти ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ташкилотда ходим илгари эгаллаган ўша мутахассислик ва малака бўйича бўш (вакант) иш ўринлари пайдо бўлган бўлса, ишга қабул қилиши шарт. (ЎзР МКнинг 102- моддаси)

7. Жамоа шартномасининг 9-моддаси (Ишга жойлашиш бўйича алоҳида масалалар...) 9.2. банди 1 хатбоши ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Ишлаб чиқариш зарурияти, бекор туриб қолгани ҳолларида, иш берувчи календарь йил давомида ходимни жами олтмиш календар кундан ошмаган муддатга бошқа ишга ўтказиш ҳуқуқига эга, бунда ходимга бажараётган ишига кўра, аммо аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлайди. (ЎзР МКнинг 145- моддаси)

8. Жамоа шартномасининг 10-моддаси (Меҳнатга ҳақ тўлаш) 10.4. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Иш ҳақини камида ҳар ярим ойда бир марта тўлаш (ЎзР.МК 253-моддаси):

- жорий ойнинг 30-санасига қадар шу ойда кутилаётган иш вақтидан келиб чиққан ҳолда ойлик тариф ставкаси (лавозим оклади) солдиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобисиз нақд (пластик карточка) кўринишида аванс тўлаш;

- иш ҳақининг қолган қисмини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар тўлаш.

9. Жамоа шартномасининг 10-моддаси (Меҳнатга ҳақ тўлаш)
10.6. бандининг 4 хатбоши ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Иш вақтидан ташқари иш учун икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Ходимнинг хоҳишига кўра иш вақтидан ташқари иш учун оширилган ҳақ тўлаш ўрнига иш вақтидан ташқари ишлаб берилган вақтнинг давомийлигига мувофиқ келадиган қўшимча дам олиш вақтини бериш билан компенсация қилиниши мумкин. Бундай ҳолда иш вақтидан ташқари иш учун бир ҳисса миқдорида ҳақ тўланади, дам олиш вақти учун эса ҳақ тўланмайди. (ЎзР. МКнинг 262 моддаси)

10. Жамоа шартномасининг 10-моддаси (Меҳнатга ҳақ тўлаш)
10.6. банди 5 хатбоши ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Дам олиш кунидаги ёки ишланмайдиган байрам кунидаги иш ходимнинг хоҳишига кўра бошқа дам олиш кунини бериш билан компенсация қилиниши мумкин. Дам олиш кунидаги ёки ишланмайдиган байрам кунидаги иш бошқа дам олиш кунини бериш билан компенсация қилинган тақдирда, бундай иш учун ҳақ тўлаш камида бир ҳисса миқдорида амалга оширилади, дам олиш куни учун эса ҳақ тўланмайди. (ЎзР. МКнинг 263 моддаси)

11. Жамоа шартномасининг 10-моддаси (Меҳнатга ҳақ тўлаш)
10.8. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Ишлов бериладиган материалдаги яширин нуксон туфайли пайдо бўлган яроқсиз маҳсулот учун, шунингдек ходимнинг айбисиз тайёрланган яроқсиз маҳсулот учун яроқли маҳсулотлар билан тенг равишда ҳақ тўланади.

Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун маҳсулотнинг яроқчилиги даражасига қараб камайтирилган ишбай баҳолар бўйича ҳақ тўланади.

Ходимнинг айби билан тайёрланган тўлиқ яроқсиз маҳсулот учун ҳақ тўланмайди.

Иш берувчининг айби билаң бекор туриб қолинган вақт учун (иқтисодий, технологик, техник ёки ташкилий сабабларга кўра ишни вақтинча тўхтатиб туриш) ходимнинг ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бекор туриб қолинган вақт учун бекор туриб қолинган вақтга мутаносиб равишда ҳисобланган тариф ставкасининг (маошининг) камида учдан икки қисми миқдорида ҳақ тўланади.

Ходимнинг айби билан бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўланмайди.
(ЎзР МК 266, 267 моддалари)

12. Жамоа шартномасининг 11-моддаси (Иш вақти ва дам олиш вақти)
11.10. банди қуйидаги таҳрирда тўлдирилсин:

Истисно ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 210-моддасига асосланиб, иш берувчи ходимнинг розилигисиз дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб қилиш ҳуқуқига эга.

13. Жамоа шартномасининг 11-моддаси (Иш вақти ва дам олиш вақти)

11.12. банди қуйидаги тахрирда тўлдирилсин:

“Навоийуран” ДК (шу жумладан 01.01.2022 йилгача НКМК ДКдаги), Ўзбекистон Республикаси кон-металлургия ва геология соҳаси корхоналаридаги кўп йиллик иш стажи учун йиллик қўшимча меҳнат таътили тақдим этилади. (Жамоа шартномасининг 1-сонли Иловасига асосан)

Ходим иш берувчининг таклифига кўра ишга қабул қилинган ҳолларда, ҳар йилги қўшимча меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига бошқа иш берувчидаги иш стажи киритилади. (ЎзР МКнинг 220 моддаси)

14. Жамоа шартномасининг 14-моддаси (Тиббий хизмат кўрсатиш)

14.1.3. бандининг 2 хатбоши ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Навоийуран” ДК (шунингдек “Навоийуран” ДКга НКМК ДК дан ўтказилган) бўлинмаларидаги иш стажига эга бўлган ходимлар ва ишламайдиган пенсионерларга тиш қўйдириш учун тўловлар тиш протези қандай материалдан тайёрланганлигидан қатъий назар, “НКМК жамғармаси” ДМнинг тиббий санитария қисмлари стоматология поликлиникаларида ясалган оддий ясама тишнинг қийматида тўланиб, қуйидагича амалга оширилади:

15. Жамоа шартномасининг 14-моддаси (Тиббий хизмат кўрсатиш)

14.1.5. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Стационар даволанаётган пайтида “Навоийуран” ДКнинг ишламайдиган пенсионерларини бепул овқатлар билан таъминлаш харажатларини қоплаш, шунингдек меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ, иш берувчининг айби билан ишлаб чиқариш жароҳатини (меҳнат мажрухлигини) олган корхона ходимларини даволанишнинг бошланғич (дастлабки) босқичида, бошқа беморларнинг овқатланишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 05 февралдаги №31 сонли қарорига **1-сонли Илова** билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги тизимининг стационар даволаш-профилактик муассасаларда овқатланиш учун тўлов ва уни ташкил қилиш тартиби бўйича низом”га мувофиқ амалга ошириш.

16. Жамоа шартномасининг 1-сонли Иловаси (Имтиёзлар рўйхати)

1.7.1.1. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

- Ишчи ва хизматчилар учун – **24** календарь кун;
- Раҳбар ва мутахассислар учун – **26** календарь кун.

(ЎзР МКнинг 221 моддаси)

17. Жамоа шартномасининг 1-сонли Иловаси (Имтиёзлар рўйхати)

1.7.2.4 банди ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Меҳнат таътилининг умумий давомийлиги **56 календарь** кунидан ошмаслиги керак. (ЎзР МК 222 моддаси)

18. Жамоа шартномасининг 1-сонли Иловаси (Имтиёзлар рўйхати)

1.7.2.5 банди қуйидаги таҳрирда тўлдирилсин:

Ходимга “Навоийуран” ДК (шу жумладан 01.01.2022 йилгача НКМК ДКдаги), Ўзбекистон Республикаси кон-металлургия ва геология соҳаси корхоналаридаги кўп йиллик иш стажи учун йиллик кўшимча меҳнат таътили тақдим этилади.

Ходимга “Навоийуран” ДК (шу жумладан 01.01.2022 йилгача НКМК ДКдаги), Ўзбекистон Республикаси кон-металлургия ва геология соҳаси корхоналаридаги ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги кўшимча меҳнат таътили берилади.

Ходим иш берувчининг таклифига кўра ишга қабул қилинган ҳолларда, ҳар йилги кўшимча меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига бошқа иш берувчидаги иш стажи киритилади. (ЎзР МК 220 моддаси)

19. Жамоа шартномасининг 1-сонли Иловаси (Имтиёзлар рўйхати)

1.7.2.6 банди қуйидаги таҳрирда тўлдирилсин:

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида тўрт календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган кўшимча таътил берилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган таътил йиллик меҳнат таътилига қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ушбу таътилдан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб), лекин фақат тегишли иш йили давомида фойдаланилиши мумкин. Ушбу таътилни кейинги иш йилига кўчиришга ёки уни пулли компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди (ЎзР МКнинг 401-моддаси)

20. Жамоа шартномасининг 1-сонли Иловаси (Имтиёзлар рўйхати)

1.7.3.-банди (Кўшимча таътил) қуйидаги таҳрирда ўзгартирилсин: Ўқув таътили.

21. 1-сонли Илова (Имтиёзлар рўйхати) 1.7.3.1 банди ўзгартирилсин ҳамда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин.

Меҳнат Кодексининг 385-моддасида кўрсатилган имтиёз ва талаблар, хорижий олий ўқув юртларида таълим олаётган ишчиларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади. Шунингдек, ишни ўқиш билан бирга олиб бораётган ходимларга, улар нечанчи бор тегишли таълимни олаётганларидан қатъий назар, Меҳнат Кодексининг 386-моддасида кўзда тутилган кафолатлар ва компенсациялар берилиши тадбиқ этилади.

22. Жамоа шартномасининг 1-сонли Иловаси (Имтиёзлар рўйхати)

1.7.4 банди қуйидаги таҳрирда тўлдирилсин: Ижтимоий таътиллار.

1.7.4.1. Ходимларга қуйидаги ижтимоий таътиллар берилсин:

- Ходимга никоҳ тузилганлиги муносабати билан -1 кун;
- Ходимнинг яқин қариндошининг (турмуш ўртоғи, фарзандлари, ота-она, ака-ука, опа-сингил) вафот этганлиги муносабати билан – 3 кун

Мазкур таътиллар ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда берилади.

(ЎзР МК 238 моддаси)

23. Жамоа шартномасининг 1-сонли Иловаси (Имтиёзлар рўйхати)

1.9. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Икки ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бирига (васийсига) дам олиш ва овқатланиш учун танаффустан ташқари, болани овқатлантириш учун бериладиган кўшимча танаффуслар боланинг ота-онасидан бирининг (васийининг) ҳошишига қараб берилади. (ЎзР МКнинг 407-моддаси)

24. Жамоа шартномасининг 2-сонли Иловаси (“Навоийуран” давлат корхонаси бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ тўловлар ҳақида низом). 2.2 ва 2.3 бандлардаги ўқувчи сўзи шогирд сўзи билан алмаштирилсин.

25. Жамоа шартномасининг 2-сонли Иловаси 3.1. банди қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин....

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда корхона ходимларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида жалб қилинган ходимлар учун таълимнинг бутун даврига ўртача иш ҳақи сақланади.

26. Жамоа шартномасининг 2-сонли Иловаси 3.4. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Ишлаб чиқаришдан ёки асосий иш жойидан ажралган ҳолда қайта тайёрлаш (янги касбий билимлар, маҳорат ва кўникмаларни, иккинчи ва турдош касблар, мутахассисликларни эгаллаш) ва малакасини оширишни ўтаётган ишчиларга қайта тайёрлаш (янги касбий билимлар, маҳорат ва кўникмаларни, иккинчи ва турдош касблар, мутахассисликларни эгаллаш) ва малакасини оширишни ўташнинг бутун даврига ўртача иш ҳақи сақланади.

27. Жамоа шартномасининг 7-сонли Иловаси – “Навоийуран” давлат корхонаси таркибий бўлинмаларида ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлганлар учун иш вақтининг қисқартирилган давомийлигини олиш ҳуқуқини берувчи ишлар рўйхати”га Янги банд қўшилсин:

“Уран бўйича геология қидирув лаборатория ишлари” билан банд бўлганларга 3.3 меҳнат шароити синфи ва иш ҳафтасининг муддати 36 соат деб белгилаш.

28. Жамоа шартномасининг 9-сонли Иловаси (“Навоийуран” давлат корхонасининг ишламайдиган пенсионерларига имтиёзлар бериш...) 3 бандининг 1 хатбоши ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Навоийуран” ДК (шунингдек “Навоийуран” ДКга НКМК ДК дан ўтказилган) бўлинмаларидаги иш стажига эга бўлган ишламайдиган пенсионерларга тиш қўйдириш учун тўловлар тиш протези қандай материалдан тайёрланганлигидан қатъий назар, “НКМК жамғармаси” ДМнинг тиббий санитария

қисмлари стоматология поликлиникаларида ясалган оддий ясама тишнинг қийматида тўланиб, қуйидагича амалга оширилади:

29. Жамоа шартномасининг 9-сонли Иловаси (“Навоийуран” ДК нинг ишламайдиган пенсионерларига имтиёзлар бериш...) 4 бандининг 3 хатбоши ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Касб касаллигига дучор бўлган ва меҳнатдаги майибланиш оқибатида, шунингдек умумий касаллик бўйича ногирон бўлган шахсларга, Чернобиль АЭС авариясини бартараф қилишда қатнашган “Навоийуран” пенсионерларига – “Навоийуран”даги иш стажидан қатъий назар кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1 баробарида пул маблағи ажратилади.

30. Жамоа шартномасининг 10-сонли Иловаси (“Навоийуран” ДК жамоа шартномасининг 14-моддасида кўрсатилган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш тартиби)нинг 1.5.2. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Навоийуран” ДК (шунингдек “Навоийуран” ДКга НКМК ДК дан ўтказилган) бўлинмаларидаги иш стажига эга бўлган ходимлар ва ишламайдиган пенсионерларга тиш қўйдириш учун тўловлар тиш протези қандай материалдан тайёрланганлигидан қатъий назар, “НКМК жамғармаси” ДМнинг тиббий санитария қисмлари стоматология поликлиникаларида ясалган оддий ясама тишнинг қийматида тўланиб, қуйидагича амалга оширилади:

31. Жамоа шартномасининг 11-сонли Иловаси (“Навоийуран” давлат корхонасининг ёш мутахассислари тўғрисида Низоми) 1.2. банди ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Навоийуран” ДК маблағи ҳисобига шартнома асосида олий ўқув юр்தларининг (кейинги ўринларда матн бўйича – ОЎЮ) кундузги бўлимларида ўқиган, уларни муваффақиятли тамомлаган, маълумоти тўғрисида тегишли диплом олган (ёки тегишли тасдиқловчи ҳужжат) ва корхона бўлинмаларига ишга жойлашган шахслар, улар билан меҳнат шартномаси тузилган кундан бошлаб 3 йил мобайнида ёш мутахассислар деб ҳисобланадилар.

32. “Навоийуран” ДК Ички меҳнат тартиби қоидаларининг 6-банди ўзгартирилсин ва қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Ишга қабул қилиш чоғида ишга қираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- паспортни ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни ёхуд идентификацияловчи ID картани, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёки идентификацияловчи ID картани;

- охириги иш жойи бўйича тасдиқланган қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасини ёки электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани, бундан биринчи марта ишга қираётган шахслар мустасно. Ўриндошлик асосида ишга қираётган

шахслар меҳнат дафтарчасининг ўрнига асосий иш жойидан олинган белгиланган намунадаги маълумотномани тақдим этади;

-ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чакирилувчилар учун тегишинча ҳарбий гувоҳномани ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

-олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ташкилотини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни, қайси ишни бажариш учун фақат махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар қўйилиши мумкин бўлса, ўша ишга кириш чоғида ушбу ишни бажариш ҳуқуқига доир гувоҳномани (сертификатни) ёхуд бошқа тегишли ҳужжатни;

-солик тўловчининг идентификация рақамини;

-жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (мавжуд бўлганда);

-жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини, бундан биринчи марта ишга қираётган шахслар мустасно.

Иш берувчи:

-биринчи марта ишга қирган, беш кундан ортиқ ишлаган шахсларга ва қонунчиликда ўзига нисбатан меҳнат дафтарчаларини юритиш назарда тутилмаган илгари ишлаган шахсларга меҳнат дафтарчасини расмийлаштириши;

-илгари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобда турмаган ходимларни бундай ҳисобга қўйиш учун чоралар кўриши шарт. Ишга қабул қилиш чоғида ишга қираётган шахсдан ушбу Кодексда, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш таъқиқланади.

Суд ҳукми билан муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахсларни, улар томонидан бажариши таъқиқланган ишларга қабул қилишга йўл қўйилмайди. (ЎзР МКнинг 124-моддаси)

33. “Навоййуран” ДК Ички меҳнат тартиби қоидаларининг 16-банди ўзгартирилсин ва қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ёхуд электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхасини бериши ҳамда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилиши шарт. Иш берувчи ходимнинг ёзма аризасига кўра унга иш билан боғлиқ ҳужжатларнинг тегишли равишда тасдиқланган кўчирма нусхаларини ҳам бериши шарт.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим йўқ бўлганлиги ёки ҳужжатларни олишни рад этганлиги муносабати билан унга меҳнат дафтарчасини ёхуд электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхасини бериш имконияти бўлмаган тақдирда, иш берувчи кейинги иш кунидан кечиктирмай ходимга меҳнат дафтарчасини олиш учун қилиши ёхуд меҳнат дафтарчаси почта орқали юборилишига розилик бериши зарурлиги ҳақида билдиришнома юбориши шарт. (ЎзР МКнинг 171-моддаси)

34. “Навоийуран” ДК Ички меҳнат тартиби қондаларининг 36 банди 1, 2 хатбошилари ўзгартирилсин ва қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Иш берувчининг ходимга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида, ходим ишда бўлмаган вақт ҳисобга олинмасдан, унга жазонинг сабаблари кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб эълон қилинади.

Ўзига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги буйруқ билан таништирилмаган ходим интизомий жазоси бўлмаган деб ҳисобланади.

Ходимнинг ўзига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги буйруқ билан танишишни рад этиши ҳозир бўлган гувоҳлар кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай ҳолда ходим буйруқ билан таништирилган деб ҳисобланади. (ЎЗР МКнинг 313-моддаси)

Марказий комиссия, барча келиб тушган таклифларни кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. 2022 йилда “Навоийуран” ДК Жамоа шартномаси бажарилишини юзасидан текшириш далолатномаси ТАСДИҚЛАНСИН.
2. “Навоийуран” ДКнинг амалдаги 2022-2024 йилларга мўлжалланган Жамоа шартномасига ушбу баённомада акс эттирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
3. “Навоийуран” ДК меҳнат жамоаларининг амалдаги Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича конференциясини ўтказиш санаси 2023 йил 20.12 куни соат 14.00 га белгилансин.

Д.С. Файзуллаев



Д.Н. Темиров

